

Zargarlik buyumining markazida tumor-kovak g'ilof bo'lib, uning ichida qadimdan "yovuzlik kuchlaridan asrovchi" igna saqlangan. Hududga Islom dini kirib kelganidan so'ng, ignaning o'rnini qog'ozda yozilgan duo egalladi. Xaykel kelin seping asosiy zargarlik buyumi hisoblangan. Uni kelinlar, farzand ko'rishgacha bo'lgan davr davomida tumor qilib yurishgan.

Bronza zargarlik bezagi anshik (ona) – qadimgi unumdorlik ma'budasi ramzi edi. Uni ona bo'lishga tayyorlanayotgan ayolga yovuz ko'zlardan asrovchi tumor sifatida to'y kuni berishgan. Bezak sxema tarzda ayol qomati va uning qornini tasvirlagan. Bundan tashqari, anshik, qadimiy totemlarni, qarama-qarshi turgan qush yoki qo'y, bo'ri boshini tasvirlagan. Ular ayolning farzand ko'rishini kunu - tun himoya qilishgan. Ushbu bezakda qadimiy ikki dunyo insonlar dunyosi va ruhlar dunyosining o'zaro tas'iri saqlanib qolgan edi. Qadimda turmushga chiqqan qoraqalpoq ayollarni oltin yoki kumush "arebek" deb nomlangan burun uzugini taqib yurishgan. Shunga o'xshash burun uzuklari turkmanlar, o'zbek-qipchoqlari, arablar va boshqalarda uchraydi. Qoraqalpoq ayollari qo'l bilaguzuklari qatorida: relief bezakli og'ir quyma bilaguzuk (kuyma-bilezik) hamda "ilon izi" naqshli va ikki-uch qator serdolikli katta bilaguzuk (xasil-tasli-bilegizik)lar alohida ajralib turgan. Bilaguzukning uchi, yirtqich hayvonlarning tishlari va panjasini eslatadi.

O'zbek, qozoq, qoraqalpoq, turkman millatlari bir-birga qiz berib, qiz olib quda-andachilik rishtalarini bog'lab kelishi natijasida ularning urf-odatlaridagi o'zaro uyg'unlikni ko'rishimiz mumkin. Masalan, nikoh to'yida bo'lajak kelinchakka nikoh uzugi va zirak sovg'a qilinishi turkiy xalqlar orasida o'ziga xos an'ana tusini olgan.

Zirak taqish – qizlarning balog'atga yetgani belgisi sanalgan. Zirakli qizlar qayliq hisoblangan. Shu belgi vositasida o'sha qizning band qilingani, turmushga uzatilgani ma'lum bo'lib turgan. Qolaversa, zirak taqish odati o'zbek xalqi orasida ham, qardosh xalqlar orasida ham qadimdan mavjud.

Qo'lga, aniqrog'i, barmoqqa taqiladigan an'anaviy taqinchoqlardan biri uzukdir. Uni mamlakatimizning ko'pgina hududlarida "uzuk", qozoq, qoraqalpoqlarda "juzik", ba'zi joylarda "angushtarin" deb ham nomlanadi. Ilgarilari o'ziga to'q xonadon sohib va sohibalari, asosan, tildan yasalgan uzuk taqqan bo'lsalar, o'rtahol aholi ko'pincha kumushdan yasalgan uzuk taqishgan. Chunki

kumush oq rangda bo'lganligi bois, poklik belgisi sifatida e'tirof etilgan.

Afsonalarda aytilishicha, uzuk taqqan birinchi inson Jamshiddir. Shundan keyin barcha erkak-ayollarning uzuk taqib yurishi odat tusiga aylangan. Uzuk insoniyatning aql zakovati, hunarmandligi, qo'l kuchi bilan yaratilgan bebaho madaniy buyumlaridan biri sifatida qadrlangan. Shu bois ham u turmush tarzimizga singib ketgan. Hatto ularga qarab kishilarning ijtimoiy, moddiy ahvolini bilish ham mumkin bo'lgan. Chunki boy xonadonning ayollari qo'sha-qo'sha kumush, tilla, yoqut ko'zli uzuklar taqib yurishsa, kambag'al, nochor ayollar bor-yo'g'i bitta yoki ikkita jez, mis uzuk taqishga imkoniyatlari yetgan [4: 925].

Demak, qo'lga taqilgan uzukning miqdori va nimadan yasalgani uzuk egasining mavqeidan darak bergan.

Bundan tashqari uzukni qaysi qo'lga taqish ham e'tiborga olingan. Turmushga chiqqan ayollar nikoh uzugini o'ng qo'lga taqishgan. O'ng qo'lga taqilgan uzuk ayolning oilasi borligini bildirib turgan. Hatto ma'lum davrada ayollarning uzuk taqib yurishi ayniqsa majburiy bo'lgan. Shuning uchun qizlarga turmushga chiqadigan kuni kuyov tomonidan "to'y uzugi" taqdim etilgan. Hattoki ba'zi paytlarda uzuk taqmagan ayolning qo'li nopok hisoblanib, unga ovqat tayyorlash huquqi berilmagan [4: 926].

Shuni alohida ta'kidlash joizki, taqinchoqlar insonga zeb berish bilan birga odamni ko'z tegishidan, nazar tushishidan saqlaydi.

Bugungi kunda xalqimiz tomonidan taqib yuriladigan taqinchoqlarning deyarli barcha turlari topilgan bo'lib ularga: bosh kiyimlar, bosh va bo'yin uchun mo'ljallangan taqinchoqlar, qo'l uchun mo'ljallangan taqinchoqlar kiradi. Ammo, ushbu taqinchoqlar yasaliish shakli, xomashyosiga va vazifasiga ko'ra bir-biridan tubdan farq qiladi. Taqinchoqlarning vazifasi inson tanasining qaysi qismiga taqilishi, yasaliish shakli va ularda ifodalangan belgilar va ramzlar uyg'unligi, xom ashyosi bilan chambarchas bog'liq bo'lgan.

Taqinchoqlarning ushbu vazifalari bugungi kunda ham o'z ahamiyatini yoqotmay, ajdodlardan avlodlarga yetib kelgan bo'lib, faqat yasaliish shakli va xomashyosi jihatdan biroz farq qiladi. Xalqimiz orasida keng tarqalgan "Dunyoda bitta ayol bo'lsa ham, zargarga ish topilibdi", degan aforizm bekorga aytilmagan.

Adabiyotlar

1. Аскарлов А. Сапалитепа. –Ташкент: 1973. – С. 172
 2. Абу Райхон Беруний. Китеб ал-Жамохир фи-Маърифат ал-Жавохири. – Тошкент: 2017. – Б. 488.
 3. Сулайманова М.И. Ўзбек ва қирғизларнинг этномаданий ҳаётидаги тақинчоқ тақийшга боғлиқ муштарак одатлар. Тилшуносликдаги замонавий ёндашувлар: муаммо ва ечимлар. –Андижон: 2020.
 4. Расулова З.Ж. Ўзбек халқ сеҳрли эртақларида "ғаройиб буюмлар" (спецификаси, генезиси ва бадиияти). Фил.фан.ном.дисс. –Тошкент: 2012.
 5. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2-жилд. –Тошкент: 2004, 49-б.
 6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 3-жилд. –Тошкент: 2005.
- REZYUME.** Mazkur maqolada zargarlik leksikasiga oid odatlar va ramzlar, xususan, turkiy xalqlarning zargarlik buyumlarga xos taqinchoqlarning taqilishiga doir odatlar va ramzlar ifodasi talqin qilingan.

РЕЗЮМЕ. В данной статье интерпретируются слова и символы, относящиеся к ювелирной лексике, в частности, слова и символы, относящиеся к ношению украшений, характерных для тюркских народов.

РЕЗЮМЕ. Abstract. In this article, are interpreted, the superstitions and symbols related to the jewelry lexicon, in particular, the words and symbols related to the wearing of jewelry typical of the Turkic peoples.

МУАЛЛИФ СЕМАНТИК ТИЗИМИНИ АНИКЛАШДА БАДИЙ КОНЦЕПТЛАРИНИНГ РОЛИ

Ф.Р.Халимова – доцент

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Таянч сўзлар: концепт, концептуал майдон, бадиий концепт, идиостил, семантик тизим.

Ключевые слова: концепт, концептуальное поле, художественный концепт, идиостиль, семантическая система.

Key words: concept, conceptual field, literary concept, idiostyle, semantic system

Бадиий концепт, даставвал, ёзувчининг бир асар ёки бутун ижодий фаолиятида мужассамлашган муаллиф концептуал майдонида миллий ёки индивидуал тарзда фаоллашган тафаккур бирлиги сифатида баҳоланади.

“Бадиий концепт” тушунчаси маркази “умумий асос”, “ядро” деб аталади. Унинг атрофидаги худуд ва сарҳадлар биргаликда концептуал майдонни ҳосил қилади. Унда маълум миллатнинг руҳи, тушунчаси, қарашлари акси мавжуд бўлади, чунончи, бу концептуал майдонни яратган шахс, яъни муаллиф маълум миллат вакилидир. Ёки аксинча, муаллиф ядро

атрофидаги сарҳад ва худудларни ўзининг семантик тизимидан келиб чиққан ҳолда ўзгача лисоний воситалар, услублар ва бошқа бирликлар ёрдамида тўлдириб, индивидуал концептуал майдонни ҳосил қилиши мумкин. Бу усул шоирлар ижодида, яъни поэтик матнда кўп қўзатилади.

Бадиий концепт муаллиф тафаккурида унинг ҳаётий тажрибалари, кўникмалари ва ҳиссиётлари асосида шаклланади. Кейин у бадиий контекстга жойлаштирилиб, муаллиф ва ўқувчининг концептни тушунишининг тўқнашуви асосида дискурс вазифасини

бажаради. Бундай ўзаро таъсир натижасида ўқувчининг ушбу концепт идрокида янги ассоциациялар ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, бадиий концептни юқори даражадаги ассоциативлик ва дискурсив ҳамда миллий ва индивидуал хусусиятларини бирлаштириб, муаллиф тафаккурининг бирлиги сифатида белгилаш ўринлидир.

Қоидага кўра, муаллифнинг ўзини намоён қилиши концептлар ёки бадиий образлар орқали намоён бўлади, бу ёзувчининг дунёқараши, унинг олдинги тажрибаси, идроки ва оламга муносабати сифатида тушунилиши мумкин. Шу муносабат билан, лисоний шахс ва хусусан, бадиий асарда акс этган ёзувчининг лисоний шахсияти ҳақида гапириш қонунийдир.

Ёзувчининг лисоний шахси бадиий асарда намоён бўлади. Бадиий асар муаллиф идиостили деб ном олган муаллифнинг индивидуаллиги, унинг индивидуал услуби билан ажралиб туради. Идиостил ҳақли равишда концептуал асосга эга бўлган “ўзига хос шахсий маъно” деб аталади.

Идиостил турли ёндашувлар асосида ўрганилишига қарамай, ушбу тушунча (идиостил, идиолект, индивидуал услуб, услубий ҳаракат)га нисбатан ягона таъриф мавжуд эмас. С.Г.Воркачевнинг таърифича, “Индивидуал услуб – оғзаки ифода воситалари ва шакллари тизимли равишда бирлаштирилган ва ички боғланган тизими” [2], В.В.Пиночтовга кўра, “лисоний бирликларни танлаш, бирлаштириш ва мақсадли фойдаланишнинг ўзига хос тамойилларини қўллаш натижасида пайдо бўладиган яхлит тизим” [5]. Шу тариқа, идиостил тушунчаси, биринчи навбатда, лисоний воситалар (сўзларни)нинг маълум бир танлов асосида танланиши ва уларни бирлаштириш усуллари, шунингдек, ўзаро таъсир билан боғлиқ.

Турли нуқтаи назарларга асосланиб, идиостилни муаллифнинг бадиий асарда лисоний воситаларни индивидуал танлови асосида бирлаштириш усуллари орқали ифодаланган муаллифнинг шахсий семантик тўплами сифатида белгилаш мумкин.

Бадиий асарлар муаллифнинг индивидуал ҳамда у мансуб бўлган бутун этномаданий жамият тафаккурини акс эттиради. Тилдаги семантик муносабатларнинг мураккаблигини, семантик майдоннинг ўзига хос хусусиятларини, унинг тузилишини тушуниш лисоний ходисаларни ўрганишнинг янги даражасига ўтишга имкон беради.

“Бадиий матн – бу барча турдаги семантик трансформациялар билан юқори даражада тўйинган майдон, унда умумий лисоний ҳамда индивидуал-муаллифий маъно ва мазмунлар мужассамланади” [3]. Ўз ижодини тилшуносликнинг ушбу соҳасини ўрганишга бағишлаган тадқиқотчилар, бадиий асарни таҳлил қилишда чуқур ва комплекс ёндашувни қўллашни таклиф қилмоқдалар.

Олимлар бадиий концептни – лисоний шахснинг умуминсоний тажрибаси, унинг дунёқараши, қадриятлар тизимини ўзлаштириши натижасида ҳосил бўлган семантик ва эстетик категориялар тоифасига киритадилар [1]. Шуни таъкидлаш жоизки, миллий маданий ва индивидуал-муаллифий концептлар ҳар доим ҳам ўз қиймат компоненти ва мазмунига мос келавермайди.

Бадиий концепт индивидуал-муаллифнинг олам манзараси тасаввури акси бўлиб, лисоний шахс миллий маънавий қадриятларни ва ўз тасаввуридаги олам манзараси билан бевосита боғлиқ бўлган қадриятларни танлаб акс эттириши мумкин. Маданий концепт оламни идрок этишнинг барча шакллари ўз ичига олади.

Бирок, муаллиф онгида шаклланиб, белгида ўз ифодасини топган бадиий концепт, турлича ифодаланиш имкониятига эга. Бадиий асарда сўзнинг том маънодаги мазмуни бутунлай бошқача, янги

мазмунларга эга бўлади. Бу, ўз навбатида, бадиий концептнинг пайдо бўлиши учун хизмат қилади. Айнан бадиий концептларда лисоний ва маданий концептлар доирасига киритилмаган хусусиятларни фаоллаштириш мумкин.

Мазмун, бир томондан, матн тузилиши ва унинг лисоний воситаларига боғланган ҳодиса бўлса, бошқа томондан, шахс онгида мавжуд бўлган ва фикрлаш жараёнлари билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Маъно диалогик хусусиятга ва субъектлараро характерга эга ҳамда қабул қилувчининг индивидуал ва шахсий фазилятларига боғлиқ.

О.Г.Ревзинанинг фикрига кўра, поэтик матн структураси ва уни идрок этишни изоҳлаш “поэтик семантика”нинг вазифасидир [6] (Ревзина, 2002: 418). “Лисоний заҳирадаги ҳар қандай бирлик шеърӣй контекстда поэтик бўёкка, поэтик либосга эга бўлади. Поэтик либосга эга бўлган лисоний бирликлар ва уларнинг концептуал хусусиятлари билан боғлиқ бўлган концептлар поэтик семантикада ўрганилади” [4] (Носирова, 2020: 98).

“Поэтик семантика поэтик тафаккур билан боғланади. Шоир назарда тутган мазмун тағмаёно орқали берилади. Шеърӣй матнда муаллифнинг коммуникатив мақсади мулоқот жараёнининг асосий характеристикаларидан бири ҳисобланади ва бундай мақсад гўё атайлаб ҳосил қилинган коммуникатив интенция сифатида шеърӣй матн структурасида ва мазмунида лисоний воқеланади” (Ўша манба, 98).

Мисол учун Абдулла Орипов ва Мухаммад Юсуф қаламларига мансуб “Орол” сарлавҳаси остидаги шеърларини муаллиф идиостили нуқтаи назаридан семантик таҳлили қиламиз. Абдулла Ориповнинг “Орол” шеъри:

Бир қуруқлик пайдо бўлди,
Денгизда не ҳол?
Меники деб эълон қилди
Кимлардир дарҳол.

Охири келиб қарашсалар,
Ҳеч вако йўқдир,
Шунчаки у сузиб юрган
Кит экан, “орол”.

Мазкур шеърда “Орол” фактуал, умуммаданий концепт. Тасаввур, воқелик, саҳна ва ҳоказоларни ифодалаб келаётган барча сўзлар ўзларининг луғавий маъноларида, яъни денотатив маъноларида ишлатилган. “Орол” атрофи денгиз билан ўралган қуруқликдир. Шеърдаги воқелик тўғридан-тўғри баён этилмоқда, яъни унда на мантиқийлик, на сўз ўйини ва на бўёқдорлик мавжуд: “Денгизда қуруқлик пайдо бўлади, у одамлар орасида талаш бўлади, бироқ охири у орол эмас, кит бўлиб чиқади”. Шеърнинг семантик тузилиши оддий, фактуал, умуммаданий, денотатив мазмундаги сўзлардан иборат.

Навбатдаги Мухаммад Юсуфнинг “Орол” шеъри таҳлили:

Хаста ҳолинг, хаста ўйга ботурсан,
Бемажол, бемадор, беҳол ётурсан.
Додинг билан дунёни уйғотурсан,
Кетиб қолма, Оролим!

Оқу қаросисан қаро кўзимнинг,
Юзларингга босиб яшай юзимни.
Сувинг қуриб қуритмагил изимни,
Кетиб қолма, Оролим!

Дарёларинг келолмасдан йиғлар зор,
Сенга мадор бўлолмасдан йиғлар зор.
Балиқларинг кўзларида савол бор,
Кетиб қолма, Оролим!

Қирғоғингда қовжираган далангман,
Тўлқинларинг титроғиман, нолангман,
Мен ҳам битта қакшаб қолар болангман,
Кетиб қолма, Оролим!

Шеър мураккаб семантик тузилишга эга, унда концептуал майдон сарҳадлари бадиий воситалар ёрдамида шаклланган. Дастлабки мисраларни мутлолаа қилиш жараёнида ўқувчи тасаввурида “Орол”нинг турли коннотатив, иккиламчи мазмунлари пайдо бўлади. Бошланғич мисралардаги “хаста хол, хаста ўй, бемажол, бемадор, беҳол, дод, кўзимнинг оку қароси” сўз ва сўз бирикмаларининг ишлатилиши туфайли “Орол” сўзи кўчма мазмунда ишлатилмоқда, деган хулоса пайдо бўлиши табиий. Бироқ, навбатдаги мисраларда ишлатилган “дарёларинг, балиқларинг, кирғонинг, тўлқинларинг” сўзларидан “Орол” сўзи концептуал майдон ядроси эканлигига ишонч ҳосил бўлади. Аммо у ўзинг иккинчи луғавий маъносида келган. Шоир миллига мансуб ҳар бир ўқувчи мазкур шеърдаги “Орол” – изоҳли луғатларда қайд этилган “атрофи сув билан ўралган қуруқлик” эмас, балки денгизнинг номи эканлигини дарҳол сезиши табиий. Ўзбекистон Республикасининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган Орол денгизининг қуриб бориши бутун ўзбек халқи, миллига учун табиий офат саналади. Шоир ушбу ходисадан таъсирланиб, ўз таассуротларини, эхтиросларини, ҳолатини коннотатив

мазмундаги бўёқдор сўзлар ҳамда жонлантириш орқали етказиб, ўқувчига прагматик таъсир ўтказишга мушарраф бўлган, шунингдек поэтик матннинг ҳиссий таъсирчанлик кучи сезиларли даражада ошган.

Матннинг бадиийлик сифати яширин мазмунларнинг ҳажми билан белгиланади. Бадиий матн майдонидаги яширин мазмунлар динамикада мавжуд бўлиб, турли хил муносабатларга киришади ва қабул қилувчининг матн билан алоқаси жараёнида доимий ўзгаришларни бошдан кечиради.

Айнан шу матн таркибида ва унинг воситаларида моддийлаштирилган матннинг семантик майдони муаллиф ва ўқувчи тафаккурини ўз ичига олади, улар матн ҳосил бўладиган, ҳаракатланадиган ҳамда семантик бирлик ва семантик кўплик сифатида мавжуд бўлган қирраларни ифодалайди. Мураккаб семантик тузилиш бадиий матннинг ажралмас хусусиятидир.

Бадиий матнда мазмун бутун ғоявий ҳажми билан қайта-қайта янгиланади. Бошқача қилиб айтганда, бадиий матн семантик такрорлаш (бир хил ғояни бошқа матн воситалари тўплами билан ифодалаш) билан ифодаланган ўзига ҳослик асосида қурилади.

Адабиётлар

1. Бабенко Л.Г., Васильев И.Е., Казарин Ю.В. Лингвистический анализ художественного текста. - Екатеринбург: Уральский ун-в-т. 2000, -С. 533.
2. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании. // Филологические науки. 2001, № 1. - С. 64-72.
3. Новикова У.В., Зимина Н.Ю. К вопросу об особенностях языковой репрезентации орнаментального поля художественного текста // Филологические науки. Вопросы теории и практики. -Тамбов: Грамота, 2016, № 2 (56): в 2-х ч. Ч. 2. -С. 127-129.
4. Носирова У.И. Поэтик матнларнинг прагматик хусусиятлари. Монография. – Фарғона: 2020, 152-б.
5. Пиночетов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. -М.: 1963, – С. 105.
6. Ревзина О.Г. О концепте собственно русской художественной формы // Функциональные и семантические характеристики текста. высказывания. слова. Вопросы русского языкознания. Вып. 8 / Под ред. М.Л. Ремневой, Е.В. Клобукова. – М.: Изд-во МГУ, 2000, -С. 47—56.

РЕЗЮМЕ. Поэтик матн семантикаси қанчалик коннотатив мазмундаги сўзлардан, бадиий концептлардан иборат бўлса, унинг мантиқийлиги ва таъсирчанлиги ҳам шу даражада ошади. Шоир индивидуал хос сўзларнинг ишлатилиши унинг идиостилини белгилайди. Шеърнинг прагматик салоҳияти муаллиф идиостилига боғлиқ. Муаллифнинг семантик салоҳиятини белгилашда бадиий концептларнинг роли, яъни поэтик матннинг концептуал тизими аҳамиятлидир.

РЕЗЮМЕ. Поскольку семантика поэтического текста состоит из слов коннотативного содержания, художественные концепции, его логика и аффективность также возрастают в этой степени. Использование поэтом отдельных специфических слов определяет его своеобразие. Прагматический потенциал стихотворения зависит от своеобразия автора. Роль художественных концептов, то есть концептуальной системы поэтического текста, значительна в определении семантического потенциала автора.

SUMMARY. Since the semantics of a poetic text consists of words of connotative content, artistic concepts, its logic and affectivity also increase to this extent. The poet's use of certain specific words determines his individuality. The pragmatic potential of the poem depends on the originality of the author. The role of artistic concepts, that is, the conceptual system of a poetic text, is significant in determining the semantic potential of the author.

ТИЛЛАРНИ ЧОҒИШТИРМА ЎРГАНИШНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

С.П.Кудайбергенова – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: лингвокультурология, қиёсий метод, семантик, концепция, лексик-семантик майдон, табиий семантик Метатил назарияси.

Ключевые слова: лингвокультурология, сравнительный метод, семантика, концепт, лексико-семантическое поле, теория естественно-семантического метаязыка.

Key words: linguoculturology, comparative method, semantics, concept, lexical-semantic field, Natural Semantic Metal language theory.

Тилларни қиёслаб ўрганиш муаммоси қадимда тилшунослар эътиборини жалб этган. Когнитив аспектда лексикани қиёсий баён қилиш сўзлар ва луғатлар блокада оғзақлаштирилган ахборотнинг кенгайтирилган ҳажмини ҳисобга олиб лексиканинг функционал-семантик таснифини яратишга имкон беради.

И.А.Бодуэн де Куртенэ шундай ёзади: «Биз тилларни мутлақо уларнинг яқинлиги, улар орасидаги ҳар қандай тарихий алоқалардан қатъи назар қиёслашимиз мумкин. Тилларни қиёслашнинг бундай тури жуда кенг лингвистик умумлаштиришлар учун асос бўлиб хизмат қилади» [2].

Тилшунос Л.В.Щерба ҳар бир тил грамматикаси ва луғати бошқа тиллардан ҳоли тузилиши керак ва умуман ўзида лотин тили, рус тили грамматикаси ва

луғатини ўзида намоён қилмаслиги керак, деб ҳисоблайди. У ҳар бир тил бутунлай ўз эҳтиёжини қоплайдиган даражада кўриб чиқилиши керак, фақат сўнг методик, икки томонлама ўрганишни енгиллаштириш мақсадида икки тил тизимини қиёслашни ўтказиш мумкин, деб ёзади [11].

Тилларни қиёсий ўрганиш ғояси В.Гумбольдтнинг фалсафий-тилшунослик концепцияси, тил ва тафаккур ҳақидаги таълимотидан келиб чиқади. В.Гумбольдт ҳар бир тил мундарижасида ўзига хос таркибий қисмлар мавжудлигини кўрсатиб, инсон тафаккури бирлигини рад этади. В.Гумбольдт фикрига кўра, ҳар томонлама категориялар - яна қайта яратиш олдинда турган фикрлаш элементларининг идеал тизими, тайёр мантиқий схемага йўналтирилган грамматика тилнинг умумий асосини ҳосил қилади, мантиқий грамматика -бу грам-